

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 21-

Жондор тумани  
2022йил

26

январ

Бўстон Назар Нодир МЧЖ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбар Б.Хожиев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Жондор туман мактабгача таълим булими (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида рахбари О.Баракаев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот)номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Сут	литр	750	4 000	3 000 000
	Жами:	x	x	X	3 000 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 31 январ 2022 йилгача

## 2. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 3 000 000( уч миллион ) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 900 000 сўмни, яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 210 0000 сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 31 январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги "Бюджет ташкilotлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харид қилишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 241-сонли қарорига асосан бюджет ташкilotлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича суммаси бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларида 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади. Мазкур тартиб иловада келтирилган товарларга (ишлар, хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди. "Сотувчи" мазкур қарорига амал қилиши шарт.

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Маҳсулотни етказиб бериш муддати 2022 йил 31 январгача.

2.6. Товар етказиб берувчи товарни етказиб беришни ўз зиммасига олади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш

ёки ушбу шартноманинг 2.1.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### **4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олинishi зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарлар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, сотувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятбажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар(маҳсулот)лар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарлар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган товар(маҳсулот)лар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товар(маҳсулот)лар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товар(маҳсулот)лар етказиб берганлик учун жарима сотувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади

5.4.Товарлар(махсулот)ни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда(даврд) уларни етказиб берганда товар(махсулот)ларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товар(махсулот)лар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10фоиз миқдорида жарима тўлайди.

5.5.Етказиб берилган товар(махсулот)лар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади. Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

6.2. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мувожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларнинг ғазна ижроси қондаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгача белгиланади).

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-мажор ҳолатларида.

## **7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибда ҳал қилинади.

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят иқтисодий судида ҳал қилинади.

## **8. БОШҚА ШАРТЛАР**

8.1 Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### “Сотувчи”

“Бўстон Назар Нодир” МЧЖ  
(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор туман Пўлоти МФЙ  
Тел./факс: 274-21-02  
Х/р: 20208000305170086001  
Банк номи: АТБ Микрокредитбанк  
Жондор филиали.  
МФО: 00108 ИНН: 307082788  
ОКОНХ:

Раҳбар:



Б.Хожиев.  
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

### “Сотиб олувчи”

Жондор туман мактабгача таълим бўлими  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)  
Манзил : Жондор туман М.Торобий  
Тел./факс: 58-23-400  
Газна./х<sup>1</sup>: 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ; МФО:00014 ИНН: 305155887  
ОКОНХ:92400  
ш/х<sup>2</sup> :100022860062467091100251025  
Жондор туман Ғазначилик бўлинмаси  
Банк номи. Марказий банк Тошкент шаҳар  
ХККМ; МФО:00014  
ИНН:201122919

Раҳбар  
О.О.Баракаев



(Ф.И.Ш)

<sup>1</sup> - тегишли газна ҳисобварағи кўрсатилади.

<sup>2</sup> - тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Ғазначилик бўлинмасида очилган шахсий ҳисобварағи (ёки шахсий ҳисоб варақлари) кўрсатилади.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Hujjatning raqami:BS48376214

2. Loyi haning turi:Shartnoma

3. Loyi haning nomi:

“Oldi-sotdi shartnomasi”

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Jondor tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 26-yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha ko'rsatilgan munosabatlar, taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari bilan tartibga solinadi hamda qonunchilik talablariga mos keladi. Shuningdek amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Jondor tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**Sh.Jo'rayev**  
2022-yil 27-yanvar